O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2006 йил 27 сентябрь, № 189 (4088) Чоршанба



Кеча пойтахтимиздаги "Ўзкўргазмасавдо" биносида "ICT Expo — 2006" ахборот технологиялари биринчи миллий кўргазмаси очилди. Мазкур тадбир ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги доирасида ташкил этилган бўлиб, уни ўтказишдан кўзланган мақсад соҳада эришилаётган муваффақиятларни кенг миқёсда намойиш этишдан иборат.

300 ишлаб чиқарувчи қатнашмоқда

Очилиш маросимида таъкидлаб ўтилганидек, "ICT Expo — 2006" ахборот технологиялари соҳасидаги энг йирик кўргазмалардан бири саналади. Уни айланар эканмиз, намойиш учун ажратилган майдоннинг кенглиги ва иштирок этаётганлар сонининг кўплигини кўриб, бунга яна бир карра амин бўлдик. Хусусан, 70 дан ортиқ иштирокчи 300 дан зиёд ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулот ҳамда лойиҳаларини ташриф буюрувчилар эътиборига ҳавола этмоқда. Улар орасида Ўзбекистон Ахборот технологиялари корхона ва ташкилотлари уюшмасининг аъзолари кўпчиликни ташкил этади.



Диққатимизни тортган муҳим жиҳати шу бўлдики, тадбирда "Ускуналар, технологиялар, хизматлар", "Алоқа тизими, коммуникация, компьютер техникаси, дастурий таъминот", "Радио, телевидение, медиа", "Маълумотлар ҳимояси", "Интернет", "Био-технологиялар" каби турли йўналишлар бўйича махсус бўлимлар ажратилган. Мамлакатимизнинг олий ва ўрта махсус таълими, халқ таълими, тиббиёт ҳамда бошқа ижтимоий-иқтисодий соҳаларида ўзининг замонавий технологиялари билан фаоллик кўрсатаётган компанияларга ҳам алоҳида ўрин берилган.

Кўргазмада, айниқса, "Alcatel", "Huawei", "Motorola", "Siemens", "ZTE Co", "Agata Impex", "Sharifa-T", "UCD-Micros" каби дунёга машҳур компаниялар, шунингдек, Ўзбекистоннинг энг йирик уяли алоқа компаниялари бўлмиш "Unitel", "Coscom" ва "Uzdunrobita" томонидан таклиф этилаётган илғор технологиялар, хизмат турлари ташриф буюрувчиларда алоҳида қизиқиш уйғотмоқда.

28 сентябрга қадар давом этадиган мазкур кўргазма доирасида илмий-техникавий конференциялар, симпозиумлар, давра суҳбатлари, мамлакатимизда биринчи Электрон рақамли имзо калитларини рўйхатга олиш марказининг тақдимот маросимини ўтказиш ҳам кўзда тутилган.

Кўргазманинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директори А.Орипов иштирок этди.

СУРАТЛАРДА: кўргазма павильонидан лавҳалар.

Шавкат ОРТИҚОВ, Темур ҚУРБОНБОЕВ (суратлар), "Халқ сўзи" мухбирлари.

ТАШРИФ НИҲОЯСИГА ЕТДИ

Корея Республикаси Бош вазири Хан Мёнг Сук хоним 26 сентябрь куни пойтахтимиздаги «SOS — Ўзбекистон болалар маҳалласи» билан танишди.

Бу ерда болаларга яратилган шарт-шароит меҳмонда катта таассурот қолдирди. У Ўзбекистонда ёш авлодга таълим-тарбия бериш, уларни комил инсонлар этиб тарбиялаш борасида амалга оширилаётган ишларни юқори баҳолади. Болалар ижро этган қўшиқ ва рақсларни қизиқиб томоша қилди, уларнинг яшаш шароити билан танишди.

SOS Kinderdorf International Ўзбекистонда 1997 йилдан буён фаолият юритиб келмоқда. Ўша йили «SOS — Ўзбекистон болалар маҳалласи» уюшмаси ташкил этилган. Унинг асосий мақсади қаровчисини йўқотган болаларга ҳар томонлама ёрдам беришдан иборатдир.

Айни пайтда «SOS — Ўзбекистон болалар маҳалласи»даги 14 оилада юз нафар бола тарбияланмоқда.

Хан Мёнг Сук Ўзбекистон давлат санъат музейида бўлиб, халқимизнинг узоқ тарихидан ҳикоя қилувчи экспозиция билан танишди.

Шу куни Корея Республикаси Бош вазири Самарқанд шаҳрига ташриф буюрди.

Меҳмон қадим шаҳардаги Гўри Амир мақбараси билан танишар экан, унинг қурилиши ва меъморий ечимига алоҳида эътибор қаратди.

Корея Республикаси Бош вазирида Регистон майдонида жойлашган Тиллакори, Улуғбек ва Шердор мадрасалари ҳам катта қизиқиш уйғотди.

Меҳмон, шунингдек, Бибихоним масжиди, Афросиёб музейи, ҳазрати Дониёр мақбараси ва Улуғбек расадхонасини томоша қилди.

— Самарқанднинг тарихий обидалари менда унутилмас таассурот уйғотди. Уларнинг ҳар бирини юртингизнинг буюк тарихи, аждодларингизнинг улкан маданий ва илмий салоҳиятига қўйилган боқий ҳайкал дейиш мумкин, — деди Хан Мёнг Сук хоним.

Шу билан Корея Республикаси Бош вазири Хан Мёнг Сукнинг Ўзбекистон Республикасига расмий ташрифи ниҳоясига етди.

(ЎзА).

Илм-маърифатга ташна ёшлар

ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИНИНГ СУҲБАТЛАРИДАН БАҲРАМАНД БЎЛИШДИ

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг Фарғона вилоятига сафари чоғида янги барпо этилган Марғилон тиббиёт коллежига ташрифи, у ерда кечган самимий мулоқотлар ёшларимизни беҳад қувонтириб юборди. Бу ерда айтилган ҳар бир сўз, ҳар бир жумла ҳеч кимни бефарқ қолдирмади. Зеро, бу суҳбат замирида мамлакатимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар ўзини оқлаётгани ҳақидаги фикрлар мужассам эди.

Бугунги кунда Фарғона вилоятида 8 та академик лицей ва 93 та касб-ҳунар коллежи фаолият кўрсатмоқда. Мазкур таълим муассасаларининг деярли барчаси замонавий компьютер, лингафон хоналари, физика, кимё, биология лабораториялари билан таъминланган. Шулардан бири Марғилон тиббиёт коллежидир.

Президентимиз Ислом Каримов мазкур таълим муассасасининг ўқувчи-ёшлари ва педагог-ходимлари билан мулоқотда бўлдилар. Учрашувда Ислом Каримов ёшларни касб-ҳунарни чуқур ҳамда мукаммал ўрганишга даъват этди. Айниқса, Президентнинг тиббиёт ходими қандай бўлиши, халқимизнинг қиз бола тарбияси борасидаги фикрлари нафақат шу ерда таҳсил олаётганларга, балки мамлакатимизнинг барча ёшлари учун ҳам катта сабоқдир. Шунингдек, Юртбошимизнинг берган кўрсатмалари ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида меҳнат қилаётган барча педагог-ходимларга юксак масъулият юклайди.

Давлатимиз етакчиси ҳар гал ёшлар билан суҳбатлашганларида "Мен сизларга ишонаман!" дея бот-бот такрорлайдилар. Бу ишонч эса, табиийки, пок орзулар бағрида яшаётган ўсмир йигит-қизлар учун катта шарафдир. Айни пайтда улкан масъулиятни ҳам унутмаслик лозим. Президентимиз ёшларга бўлган ишончларини амалда исботлаб, келажагимиз ворислари учун ҳамма соҳада зарур шарт-шароитлар яратилишига бош-қош бўлмоқдалар. Ёшларимизнинг ҳеч кимдан кам эмаслигини, барча соҳаларда иқтидори ва билимини намоён эта олишларини бугун бутун жаҳон тан олмоқда. Бир вақтлар муҳташам бинолар, ёруғ ва шинам ўқув хоналарида таҳсил олиш ҳаёлий орзу бўлган бўлса, бугун бу орзу озод юртимизда рўёбга чиқди.



Шу маънода, таълим ва тарбия, Президентимиз Марғилон тиббиёт коллежи ёшлари билан бўлган мулоқотда таъкидлаганларидек, ёшлар учун ниҳоятда зарур бойлик, ҳаёт учун энг зарур воситадир. Ахир, инсон — билим билан муҳтарам, унинг улуғлиги ҳам илм туфайли. Демак, илм — ҳаётий зарурат. Ота-боболаримизнинг қадим-қадим замонлардан бери интилиб, илму ҳунар эгаллаш йўлидаги ҳар қандай тўсиқни, қийинчиликни енгиб келганининг боиси ҳам шунда. Билимсиз одам мисоли қўл-оёқсизки, у ҳар қадамда хато қилади, янглишади, ишида унум бўлмайди, машаққатларга дуч келаверади.

Нафақат дунёвий, балки диний адабиётларда ҳам илм улуғланади, уни эгаллаш тарғиб қилинади. Масалан: "Бешикдан қабргача илм изла", "Илм ўрганиш ҳар бир мусулмон учун фарздир" каби ҳикматлар бежиз айтилмаган. Абу Носир Форобий ўзининг "Фозил шаҳар аҳолисининг маслаги" рисоласида таълим фақат ақлнинг чиниқиши учун эмас, балки умумий маънавий, шу жумладан, ахлоқий камол топиши учун ҳам асос бўлади, деган эди.

Илм-фан равнақ топган юрт бахт маскани, тараққиёт манзилига айланади. "Билаги зўр бирни йиқар, билими зўр — мингни", деган мақолда ҳам ана шу маъно-моҳият мавжуд. Шунинг учун ҳам Президентимиз халқимизни, айниқса, ёшларимизни илмли, тарбияли бўлишига сиёсатнинг устувор йўналиши сифатида аҳамият бериб келмоқда. Ислом Каримовнинг Фарғона вилоятида бўлиб, Марғилон тиббиёт коллежи ўқувчилари билан дилдан суҳбатлари шу йўлдаги қутлуғ, хайрли қадамлардан биридир.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ, "Халқ сўзи" мухбири.
Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.

Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги ҳар томонлама муносабатлар, жумладан, маданий соҳалардаги алоқалар кундан-кунга ривожланиб бормоқда. Ўзбек халқи ҳинд киноси, адабиётини севиб томоша қилади, ўқийди. Катта экранларимиз ва телевидениеда ҳинд фильмлари мунтазам намойиш этиб борилади. Шу кунгача машҳур ҳинд адиблари Рабиндранат Тагор, Хожа Аҳмад Аббос, Яшпал, Кришан Чандарнинг асарлари ўзбек тилига таржима қилиниб, китобхонлар эътиборига ҳавола этилган.

Ўзбек китобхонларига совға

Яқинда Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа уйи кўпмиллатли Ҳиндистон адабиётининг ҳинд, урду, бангал, тамил, малаялам каби 13 та тилида ижод қилувчи адиб ҳамда шоирларининг ҳикоя ва шеърларини саралаб, "Чироқ ёнар тун бўйи" номи билан нашр этди. Китобдан забардаст сўз усталари билан бир қаторда, ҳали ўзбек китобхонларига таниш бўлмаган янги адибларнинг, жумладан, Ҳиндистоннинг ривожланиб келаётган дўгрий ва синдҳий тилларидаги адабиёти вакилларининг ҳикоялари ҳам ўрин олган. Тўплам асосан ХХ аср ҳинд адабиёти намуналаридан иборат бўлса-да, унга бир неча аср аввал ижод қилган, машҳур шоир ва мутафаккир Мирзо Ғолибнинг ғазаллари ҳам киритилган.

Тўпламдаги шеър ва ҳикояларни машҳур шоир ҳамда ёзувчиларимиз Шайхзода, Зулфия, Ш.Шомуҳамедов, О.Раҳимий ва бошқалар ўзбек тилига таржима қилишган. Шунингдек, унда ҳинд адабиётининг ХХ асрдаги тараққиётига бағишланган мақола ҳамда муаллифлар ҳақидаги қисқача маълумотлар ҳам ўрин олган.

Пойтахтимиздаги Лаъл Баҳодир Шастри номли ҳинд маданият марказида мазкур китобнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Тадбирда Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги элчиси Сканд Таял ва бошқалар сўзга чиқиб, мазкур китоб ҳинд адабиётига қизиқувчи ўзбек китобхонларига муносиб совға бўлганлигини таъкидлашди. Ансориддин Иброҳимов нашрга тайёрлаган ушбу тўплам Ҳиндистон Маданий алоқалар Кенгашининг ҳомийлигида чоп этилди.

Юлдуз РИЗАЕВА, "Халқ сўзи" мухбири.

ТОКИОДА ТАНТАНАЛИ КЕЧА

Япония пойтахтида Ватанимиз мустақиллигининг 15 йиллигига бағишланган тантанали кеча бўлиб ўтди. У мамлакатимизнинг Япониядаги элчихонаси томонидан ташкил этилди.

Маросимда Японияниинг нуфузли сиёсий ва жамоат арбоблари, йирик фирма ва компаниялар раҳбарлари, жамоат ташкилотлари ҳамда дипломатия корпусининг вакиллари иштирок этди.

Кечада ҳозир бўлган меҳмонлар орасида, жумладан, Японияниинг собиқ бош вазири Ёширо Мори, маъмурий ислоҳотлар вазири Коки Чума, атроф-муҳит муҳофазаси вазири Юрико Коике, мамлакат ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Акико Яманака, Осиё Тараққиёт банкининг собиқ президенти Тадао Чино, Япония-Ўзбекистон иқтисодий ҳамкорлик қўмитаси раиси Нобуо Охаши, "Япония-Ўзбекистон" дўстлик жамияти аъзоси, яқинда Япония либерал-демократик партиясининг президенти ва мамлакат бош вазири этиб сайланган Шиндзо Абэнинг рафиқаси Акие Абэ хоним бор эди.

Маросимда сўзга чиққан Абэ хоним ўз турмуш ўртоғининг номидан Ўзбекистон халқини мустақиллиқнинг 15 йиллиги билан қутлади. Япония бош вазири Шиндзо Абэ Ўзбекистонга улкан ҳурмат-эътибор билан қарашини таъкидлар экан, Акие Абэ хоним Япония ҳукумати раҳбари мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар жадаллик билан ривожланаётганидан мамнун эканини қайд этди.

Абэ хоним бош вазир Шиндзо Абэнинг маросим муносабати билан йўллаган мактубини ўқиб эшиттирди. Унда, жумладан, қуйидаги сўзлар ўз ифодасини топган: "Халқларимиз қадимги даврлардан буён Буюк Ипак йўли воситасида ўзаро ҳамкорлик қилиб келишган. Япония Иккинчи жаҳон урушидан кейин тақдир тақозоси билан Ўзбекистонга келиб қолган японияликларга илиқ муносабатда бўлган ва уларга меҳр-мурувват кўрсатган ҳамда бу кўҳна заминда дафн этилган юртдошларимиз қабрларини ободонлаштириш юзасидан амалга оширилган ишлар учун ўзбек халқидан беҳад миннатдордир.

Япония бош вазири Дж.Коидзумининг яқинда Ўзбекистонга буюрган ташрифи ҳамда унинг Президент И.А.Каримов билан бўлиб ўтган учрашувлари халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликнинг ривожланишига хизмат қилади".

Кеча доирасида мамлакатимизнинг мустақил ривожланиш йиллари қўлга киритилган улкан муваффақиятлар, халқимизнинг бой тарихи, маданияти, анъана ва урф-одатлари тўғрисида ҳикоя қилувчи қатор ҳужжатли ва илмий-оммабоп фильмлар намойиш этилди. Меҳмонларда, шунингдек, юртимизнинг сайёҳлик салоҳияти, қадимий шаҳарларимиз — Самарқанд, Бухоро, Хивага бағишланган ахборот маълумотлари ҳам катта қизиқиш уйғотди.

Шу ернинг ўзида ташкил этилган миллий ҳунармандчилик ва халқ амалий санъати намуналарининг кўргазмаси, унда намойиш этилган сопол буюмлар, миллий чолғу асбоблари, сўзаналар, атласу адрасдан тикилган либослар японияликдўстларимизга ўзбек халқининг бетакрор маданий анъаналаридан бахраманд бўлиш имконини берди.

Акмал ҚЎЧҚОРОВ "Жаҳон" АА мухбири.
Токио.

Кун тартибида: обуна масаласи

Қашқадарё вилоятида вақтли матбуот нашрларига обунани ташкил қилишга барвақт киришилди.

Вилоят ҳокими 2007 йил учун газета ва журналларга обуна мавсумини уюшқоқлик билан ўтказиш юзасидан амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар ҳақида фармойиш қабул қилди. Унда ўтган йилларнинг тажрибаси чуқур таҳлил қилинганлиги диққатга сазовордир. Дарҳақиқат, бултур вилоятда марказий ва вилоят газеталарига обуна яхши ташкил этилди. Уларнинг ҳар бир меҳнат жамоасига, хонадонларга етиб бориши учун катта ташкилий ва тушунтириш ишлари олиб борилди. Бироқ туман газеталари эътибордан четда қолди. Кўпчилик туман ҳокимлари ўзлари муассис бўлган газеталарнинг ўқувчиларини кўпайтириш тўғрисида етарли ғамхўрлик қилмадилар. Деҳқонобод, Миришкор, Қамаши, Нишон, Косон туманларида маҳаллий газеталарнинг адади камайиб кетди. Газета ва журналларнинг обуначиларга ўз вақтида етказиб берилмаётганлиги ҳам кўпчиликнинг эътирозига сабаб бўлмоқда.

Келгуси йил учун матбуот нашрларига обуна мавсумида ҳар қачонгидан ҳам яхши натижаларга эришиш учун оммавий ахборот воситаларининг жамият ҳаётидаги аҳамиятини кенг тушунтириш, кам таъминланган оилаларни, Меҳрибонлик, Саховат уйларини, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини ҳомийлар ҳисобидан обуна қилишни йўлга қўйиш, жойларда журналистлар билан учрашувлар, газета кунлари ўтказиш кўзда тутилмоқда.

Б.НОРҚОБИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

НАВБАТДАГИ СОНЛАРДА

БОЙИТИЛГАН УН – САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

Ер участкалари: ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ҲУҚУҚИГА КИМ ЭГА?

БИЛИМ МАШЪАЛИ КЕЛАЖАК ЙЎЛИНИ ЁРИТАДИ

Сўнгги соатда

Газетамиз саҳифаланаётганда Германиядан ажойиб хушхабар олдик.

Жаҳон чемпионатидан 6 та медаль

Унда айтилишича, мазкур мамлакатда бокс бўйича ҳарбийлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида ҳамюртларимиз 6 та медални қўлга киритишга муваффақ бўлишди.

Жумладан, Дилшод Махмудов (64 килограмм) ва Эльшод Расулов (75 килограмм)лар ўз вазн тоифаларида жаҳон чемпионлигини қўлга киритдилар. Шерзод Хусанов (69 килограмм) ва Жасур Матчонов (91 килограмм) кумуш, Бекзод Хидиров (57 килограмм) ва Шерзод Абдурахмонов (81 килограмм) эса ўз вазн тоифаларида бронза медалларига сазовор бўлишди.

Мактабга эътибор — келажакка эътибор

— Мен қурувчиман, — рангин ойналарида тонг қуёши эркаланаётган бинодан кўзларини узолмай сўз бошлади Асака тумани ҳокими Лутфулло Орифхонов. — Мактаб қурилишида ҳар бир ғиштдан тортиб деворлардаги рангларнинг танланишигача эътибор қаратилаётгани замирида фарзандларимизнинг бахти, иқболи ётади. Ўғил-қизларимиз ўзларининг маҳобатли, кенг, чароғон мактаблари билан фахрлансин, мукаммал жиҳозланган фан хоналари, спорт заллари борлигидан яйраб-яшнасин.

КУЛИБ ТУРГАН КОШОНА

Ўшанда уларнинг қалбига шу азиз юртда униб-ўсаётганидан фахрланиш, ҳеч кимдан асло кам бўлмасдан билим олаётганидан ғурурланиш туйғуси тағинда чуқурроқ сизиб киради. Биз мактаб биноларини камкўстсиз тиклаш билангина кифояланиб қолаётганимиз йўқ. Қутлуғ даргоҳларга олиб борадиган йўлларнинг кенг ва равон бўлишига, кўчаларнинг ҳар икки қирғоғи гулларга бурканишига, аҳоли уйларининг ободлигига, саранжом-сариштaлигига ҳам эътибор қаратяпмиз.

Қадим қишлоғида иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи учун 720 ўқувчи ўрнига эга бўлган муҳташам бино қад ростлади. «Юксалиш — ФАХ» масъулияти чекланган жамиятнинг Нуриддин Ёқуббеков етакчилигидаги қурувчилар иншоотни мустақиллик байрами арафасида қўлдан чиқардилар. Умумий қиймати 1 миллиард 667 миллион сўмни ташкил этган қўш қаватли бино қишлоқ кўркига кўрк қўшиб юборди. Коллеж шарофати билан қишлоққа тоза ичимлик суви олиб келинди.

Биз вилоят халқ таълими бошқармасининг бошлиғи Дилмуроджон Раҳматуллаевнинг таклифи билан қатор туманларда бўлиб, мукаммал ва жорий таъмирдан чиқарилаётган мактаблар билан яқиндан танишдик. Улуғнор туманининг Мингбулоқ қишлоғида яшовчи ёшлар 25 йил нарида тикланган пастқам, хона ва йўлкалари тор бинода таҳсил олар эдилар. Кўркам, замонавий мактабларда ўқиш уларнинг орзуси эди. Қурувчилар 19-мактаб учун 240 ўринли янгги бино тиклаб бердилар. Тўққизта синф хонаси, лабораторияларга кирсангиз чиққингиз келмайди. Тоза ичимлик суви, табиий газ мураббийлар жонига оро кириши турган гап. «Қурилишмаркет» фирмаси ҳозиргача қадар 214,5 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини уддалади. Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг вилоят бўлими спорт мажмуаси учун 74 миллион сўм маблағ ажратди.

— Бино қишлоғимиз чиройиниям очиб юборди, — дейди муаллима Ҳалима Отабекова. — Истиқлол ҳаммамизга бир олам шодлик келтирди. Шундай биноларда яйраб-яйраб ишлаганга нима етсин.

— Эски бинони бузмапсизлар-ку?

— Уни ҳашар йўли билан ошхона, кутубхона, ҳамшира хонасига айлантириб олдик, — деди яна бир ўқитувчи Сорахон Иномова.

Ҳа, қурувчилар янги мактаб биносини қўлдан чиқариб, эгаларига тезроқ тортиқ қилиш учун эртаю-кеч тер тўкиб туришганида муаллимлар қўл қовуштириб ўтирармиди? Ҳамма тенг енг шимарди. 28 нафар устоз-мураббий мактаб олдини гулзорга айлантириб юборди. Хиёбон нафақат ўқувчиёшлар, балки ўз тақдирини чўл билан боғлаган қишлоқ аҳлининг ҳам энг сўлим, обод гўшасига айланади, албатта.

Балиқчи туманидаги мактаблар йил сайин «ёшариб» ўзгача жозиба касб этаётгани айни ҳақиқат. Ўтган йили 4 та мактаб биноси мукаммал таъмирдан чиқарилган, 1 таси реконструкция қилинган ва яна биттаси жорий таъмирланган эди. Бу йил ҳам худди шунча мактабда қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. «Лексанлюкс» фирмаси 41-мактаб биносини олти ойда тахт қилди. Бугун бу ерда чинободликларнинг тўрт юз нафар ўғил-қизи фан асосларини ўзлаштирмоқда. Биноқорлар мактабни кулиб турган кошонага айлантиришдан ташқари тоза ичимлик суви келтиришни, йўлларга афсальт ётқизишни ҳам унутмадилар. Ҳомийлар-чи? Ўз болажонларига атаб анчамунча ошхонадан қолишмайдиган иншоотни битказиб бердилар.

Яқин орада Балиқчи қишлоғидаги мактабда бўлган одам эндиликда унинг чиройига чирой қўшилиб, тамомила ўзгариб кетганидан ҳайратга тушиши аниқ. Пахтаободдаги 7, 34-мактабларга ҳам ҳар қандай одамнинг ҳаваси келади. Олис қишлоқларда бу каби билим даргоҳларининг кўкрак кериб туриши, яратилган қулайликлар, ўша мактабларни тўлдириб турган спорт заллари, ўйингоҳлар, буларнинг барчабарчаси мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурининг бажарилаётганлиги исботи эмасми? Атиги бир йилнинг ўзида Андижонда 76 та мактабнинг тубдан таъмирдан, 19 тасининг мукаммал реконструкциядан чиқарилаётгани, битта ўқув масканининг янгитдан қурилаётгани мамлакатимизда ёш авлоднинг баркамол инсонлар бўлиб улғайиши йўлида нақадар катта ишлар қилинаётгани мисолидир, албатта.

Ёшлар ҳақида ғамхўрлик қилинаётган Ватандагина ана шундай ҳайратомуз ишларга қўл урилади.

Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Оила врачларига кенг йўл

Мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислоҳотларнинг бош мақсади аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашдан иборатдир. Кейинги йилларда юртимизда бу борада улкан ишлар амалга оширилди. Кўплаб оилавий поликлиникалар, шошилинч тиббий ёрдам марказлари, вилоятларда қишлоқ врачлик пунктлари ташкил этилган.

Тошкент врачлар малкасини ошириш институтида бўлиб ўтган тадбирда шулар хусусида гап борди. "Аҳоли саломатлигини шакллантириш — оилавий поликлиника фаолиятининг асосий йўналиши" деб номланган илмий-амалий анжуманда сўзга чиққанлар оилавий врачларнинг мавжуд имкониятларидан самарали фойдаланиш тиббий хизмат сифатининг ошишига туртки бўлишини таъкидлашди.

Икки кун давом этган тадбирда тиббиёт олий ўқув юртлари, илмий-текшириш институтларининг 500 га яқин етакчи олимлари, мутахассислар иштирок этишди.

Мазкур анжуманда оилавий врач фаолиятининг устувор йўналишларига бағишланган семинарларни кейинчалик ҳам ўтказишга келишиб олинди.

Юлдуз РИЗАЕВА.

ГАЗЕТХОН сўз сўрайди

2006 йил — Ҳомийлар ва шифокорлар йили

"Сизга ҳавасим келади!"

Мабодо, оиламиздаги бирор киши хасталаниб қолгудек бўлса, дунё кўзимизга тор бўлиб кетади. Беморлар жонига умидбахш сўзлари, далдаси билан оро кирувчи шифокорларнинг бардошига эса бу борада тан бермай иложи йўқ.

Уларнинг ширин сўзлари, кўрсатган ғамхўрликлари сабаб неча юзлаб инсонлар қайноқ ҳаёт қучоғига қайтади. Хаста диллар малҳам топади. Шундай масъулиятни ўз елкасида кўтариб, аллақачон элнинг назарига тушган бир шифокорни танийман. Бу — Зарбдор туманининг марказий шифохонаси табиби Мукаррамхон Тўхтаевадир.

— Шифокор ҳузурига ҳар бир бемор нажот истаб келади, — дейди у. — Шундай бўлгач, бемор унинг хонасидан ўз дардини унутиб чиқиб кетмоғи керак. Бунинг учун биз, шифокорлар бор маҳоратимизни ишга соламиз.

Мукаррамхон нафақат ўз касбининг устаси, балки халқ ишончини ўзининг ташаббускорлиги, фидойилиги билан ҳам оқлаган инсон. 1999 йилда у вилоят кенгашига депутат этиб сайланган бўлса, зарбдорликлар 2004 йили уни яна халқ вакили қилиб сайладилар. Негадир ҳар гал шу инсоннинг қилган эзгу амалларини кузата туриб, унга ҳавасим келаверади. Тилагим, юртимизда шундай элпарвар, ҳалол инсонлар кўпаяверсин.

Ҳулкар РУСТАМОВА.
Зарбдор тумани.

Сўров

Ойдинлик киритиларми-кан?..

Биз истиқомат қилаётган Қўқимбой қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги Навбаҳор маҳалласи аҳолисига насос ёрдамида махсус иншоот орқали тоза сув етказиб берилади. Бироқ, кўп ҳолларда бу ускуна ҳаракатдан тўхтатиб қўйилиши қийинчилик туғдирмоқда.

Оқибатда қишлоқ одамлари узоқ масофадаги канал сувини истеъмол қилишга мажбур бўлишаяпти. Қолаверса, дала экинлари суғориладиган, ҳар хил кимёвий дориларга тўла сув киши соғлиғи учун кони зарар-ку!

Бундан ташқари, гоҳ янги насос қўйишни, гоҳ сув ҳисоблагич йўқолганини рўкач қилиб, маблағ йиғилади. Мутасаддиларга тартиб ўрнатиш ва доимий ичимлик суви таъминотида ёрдам сўраб бир неча бор мурожаат этдик. Аммо аҳвол ҳалигача ўзгаргани йўқ. Бу муаммо қачон ҳал этилади?

Т.ЮСУПОВА
ва бошқалар.
Косонсой тумани.

Таажжуб

Ўйноқи таъминот

Сино номли қишлоғимиз электр энергия билан бир кеча-кундузда атиги беш соатгина таъминланади. Ҳар йили ёз ойларида эса электр токига "тўйиб" оламиз.

Чунки бу пайтда қишлоғимиз ҳудудидаги "Чашма-Тошбўлотбой" болалар оромгоҳи ишга тушади. Ҳеч тушунолмаймиз, 200 нафар фарзанд ҳордиқ чиқариши учун электр токи етказиб берилишини, қолган вақтда эса қишлоғимизнинг фақат беш соатгина электр энергия билан таъминланишини қандай изоҳлаш мумкин?

Асатулло НАСУЛЛОЕВ.
Денов тумани.

Иддао

Қолган ишга қор ёғмасайди...

Бизнинг "Боғот-Хива" номи билан юритилувчи йўлларимизнинг сўнгги йилларда ёнатрофи кенгайтирилди. Бироқ йўлни кесиб ўтувчи ариқлар қувури кенгайтирилмагани боис йўл четининг ариққа қулаш хавфи бор.

Ёз ойлари бир ойда ўн минглаб транспорт воситалари ҳаракатланди. Бироқ талабга жавоб бермайдиган йўллар муаммо туғдиради.

Ғалаба ва Тошкент ширкат хўжалигининг ички йўллари ҳам кўримсиз ҳолатга келиб қолган. Ўтган йили матбуот аралашуви билан "Боғот-Янгиариқ" йўлидаги "Хўжалик" канали кўприги таъмирланган эди. Аммо унинг четига ҳимоя тўсиқлари ўрнатилмай қолиб кетди. Бошланган иш қачон охирига етади?

Ф.ЖУМАБОЕВ.
Боғот тумани.



Хитойнинг технологик ютуқлари кўргазмаси

Самарқанддаги «Ёшлар маркази»да солиқчилар ва матбуот ходимлари ўртасидаги ҳамкорлик мавзуида семинар-тренинг бўлиб ўтди.

Солиқ ва матбуот

Вилоят давлат солиқ бошқармаси ва журналистлар ижодий уюшмаси вилоят бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган бу анжуманга республика ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари вакиллари, туман давлат солиқ инспекцияларида фаолият кўрсатаётган тарғибот ижодий гуруҳлари аъзолари таклиф этилди.

Семинар-тренингда солиқ маданиятини янада юксалтириш, бу борада матбуот хизматига эҳтиёжнинг доимий ошишига асосий эътибор қаратилди. Вилоят давлат солиқ бошқармаси бошлиғи Рустам Қўчқоров, республика давлат солиқ қўмитаси матбуот маркази раҳбари Тўрабек Тўраев анжуман иштирокчилари саволларига жавоб беришди.

А.САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Кеча пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ"да "Хитойнинг муҳандислик-техникавий кўргазмаси" иш бошлади.

Хитой тижорат вазирлиги, "Генертек" (ХХР) реклама-кўргазма компанияси томонидан ташкиллаштирилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси ташқи алоқалар, инвестиция ва савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатаси расмий кўмагида ўтаётган ушбу тадбирда мазкур мамлакатнинг 60 дан зиёд йирик компаниялари иштирок этмоқда.

Маълумки, мамлакатимиз Президенти ўтган йилнинг 25-27 май кунлари Хитой Халқ Республикасида давлат ташрифи билан бўлган эди. Музокаралар чоғида икки давлат раҳбарлари ва ишбилармон доиралар вакиллари ўртасида ўзаро савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, ижтимоий ва маданий алоқаларни кенгайтиришга оид кўплаб масалалар муҳокама этилган, томонлар нефть-газ, сайёҳлик, таълим, юқори технологиялар, транспорт коммуникациялари, тўқимачилик, кончилик ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантиришга оид ҳужжатларни имзолаган эдилар.

Таъкидлаш жоизки, ҳозирга келиб, ҳар икки давлат томонидан ушбу ҳужжатлар ижросини таъминлаш борасида бир қатор амалий чора-тадбирлар кўрилмоқда. Хусусан, Тошкентда иш бошлаган мазкур кўргазма ҳам бунга далил бўла олади.

Тадбир ташкилотчиларининг маълум қилишича, ушбу кўргазмани ўтказишдан кўзланган асосий мақсад — ХХР-Ўзбекистон ва бошқа Марказий Осиё давлатлари ўртасида савдо-иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш ҳамда турли соҳаларда ҳамкорликни йўлга қўйишдир.

Маълумот учун айтиш мумкинки, кўргазмада "Нинся" қурилиш, "CNCEC" Хитой кимё-муҳандислик корпорациялари, шунингдек, техникалар экспорти ва импорти бўйича машҳур "Техноимпорт" сингари компанияларнинг иштирок этаётгани ҳам уни нуфузи ва аҳамиятини оширмоқда.

Кўргазма 28 сентябрга қадар ўз ишини давом эттиради.

СУРАТДА: кўргазмадан лавҳалар.

Саидолим ҲАЙДАРОВ,
Темур ҚУРБОНБОЕВ (суратлар).
"Халқ сўзи" мухбирлари.

Қиш мавсумига тайёрмисиз?

Қишнинг ўчоғи тор бўлади, дейишади. Ўчоқ — бу ҳарорат, иссиқлик, кўнгил хотиржамлиги.

Хўш, ўчоғимизни иситишни ўз зиммасига олган жамоалардан бири — «Сурхондарёгаз» ҳудудий газ таъминлаш корхонаси қиш мавсумига қандай тайёргарлик кўрмоқда?

Дўппи тор келиб қолмасин!

— Истеъмолчиларимизга ҳозир кунига 657 минг куб метр атрофида газ етказиб бераяпмиз, — дейди корхона бошлиғи М. Бозоров. — Қишга бориб, эҳтиёж бундан 6-7 баравар ошиб кетади. Ахир, 173 минг та хонадоннинг ўчоғи газнинг олови билан қизийди.

Қишда ўчоқ музлаб қолмаслиги учун биз мавжуд қувурларни имкон қадар таъмирлаяпмиз. Кўрик-назорат тадбирларини ўтказаяпмиз. Ҳарқалай, қараб турганимиз йўқ. Лекин, тўғриси, истеъмолчиларимиз қиш кун сайин яқинлашиб келаётганига парво қилмаётгандек кўринишади.

Бозоровнинг истеъмолчиларга эътирози дебиторлик қарздорликка тегишли экан. Ўзиям ўша 173 минг хонадоннинг корхонадан оз эмас, 4 миллиард сўмча қарзи бор экан-да. Қарздорлар рўйхатининг бошида эса Жарқўрғон, Музработ, Шеробод, Термиз шаҳри истеъмолчилари турган экан.

Шу ҳолат туртки бўлиб, биз Шўрчи туманидаги «Ёш ғайрат» маҳалла фуқаролар йиғининг иш тажрибасини эсладик. Йиғиннинг янги сайланган фаоллари коммунал хизматлар тўловига риоя қилмаётганлар орасида тарғибот-ташвиқот ишларини йўлга қўйиб, бу ҳақдаги қонунқоидаларни обдон тушунтиришибди. Ахир, бир киши ичимлик суви ҳақини тўлашни пайсалга солгани учун бутун бир қишлоқнинг қудуғига қулф урилса, яхшими? Ахир, «Асл дўст — ҳисобли дўст» деб бежизга айтилмаганку?

Натижа эса яхши. Маҳаллада энди тўловлардан ўзини панага тортадиганлар қолмабди ҳисоб. «Қарздорлик туфайли тармоқ узиб қўйилди» деган гап барҳам топганидан одамларнинг ҳам, таъминотчиларнинг ҳам юзлари ёруғ.

— Вилоятдаги 687 та маҳалла фуқаролар йиғинларида ҳам шунақа тарғибот ишлари ва тартиб жорий этилса, айни муддао бўларди, — дейди М. Бозоров. — Чунки қишнинг юки бир-икки кишига оғирлик қилади. Уни кўплашиб, жам бўлиб тортмоқ лозим.

Олимжон УСАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



Беморлар дардини аритиб...

Шифокор Махфират Қаршиева ўттиз йилдан буён Жиззах вилояти Ғаллаорол туманидаги «Маржон сув» сиҳатгоҳининг физиотерапия бўлимида фаолият кўрсатади. У ўзининг хушмуомаласи, самимийлиги билан ҳамиша беморлар дардига оро киришга ҳаракат қилади. Ва бунинг уддасидан чиқади ҳам. Шу боис даволанувчилар доимо ундан мамнун.

СУРАТДА: шифокор Махфират Қаршиева.

Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат.

«Пахта банк»: ФЕРМЕРЛАРГА УЗЛУКСИЗ МОЛИЯВИЙ ЁРДАМ

Тажрибали мутахассисларнинг таъкидлашларига қараганда, бу йил республикамиз пахтазорларида мўлжалдаги ҳосил тўпланган, муҳими, унинг одатдагидан 7-10 кун эрта пишиб етилиши таъминланган. Хўш бунга қандай қилиб эришилди?

Аввало, шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, қишлоқ хўжалигида аниқ мақсадларга йўналтирилган туб ислоҳотларнинг изчил амалга оширилаётгани туфайли аграр соҳанинг етакчи тармоғи бўлган пахтачилик тизими ташкилий жиҳатдан такомиллаштирилиб, моддий-техник базаси мустаҳкамланди. Хусусан, кейинги йилларда иқтисодий инқирозга юз тутиб, зарар кўриб ишлаётган ширкат хўжаликлари негизида юзлаб янги фермер хўжаликлари ташкил этилди. Бу билан қишлоқ хўжалик оборотидаги ерлар унинг қадрига етадиган ҳақиқий эгалари қўлига ўтди. Эндиликда, фермерлар пировард даромадни кўзлаб, ерни авайлаган ҳолда, унинг унумдорлигини оширмоқда, экинни манфаатдорлик билан парваришлаб, ҳосилдорликни орттириш ҳисобига салмоқли соф фойда олишга эришмоқдалар.

Фақат шугина эмас. Республикамиз ҳукумати пахта етиштирувчи хўжаликларни зарур техника воситалари билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратди. Бунинг учун қишлоқ хўжалик корхоналари ҳамда уларга ҳар жиҳатдан ҳамкор бўлган бошқа ташкилотларни молиявий қўллаб-қувватлаш, яъни имтиёзли кредитлар ажратишни йўлга қўйди.

Бу борада, акциядорлик-тижорат «Пахтабанк»ининг ҳам ўзига хос хизматлари бор, албатта. Зеро, у ширкат ва фермер хўжаликларига, «Агромашсервис»га қарашли ҳамда мукобил машина-трактор паркларига, шунингдек, тармоққа хизмат кўрсатувчи бошқа барча ташкилотларга ерни чигит экишга тайёрлашдан бошлаб то ҳосил пишиб етилгунча бўладиган барча ҳаражатлар учун етарли миқдорда имтиёзли кредитлар ажратиб келмоқда.

Имтиёзли кредитлар тақсимотининг таҳлили шуни кўрсатадики, ушбу йўналишда талаб-эҳтиёжи катта соҳаларга устуворлик берилган. Чунончи, шу йил 4 сентябрь ҳолатига кўра, февраль, март, апрель, май, июнь, июль, август ойларида ширкат ва фермер хўжаликлари эҳтиёжлари учун жами 252 миллиард 806 миллион 284 минг сўм имтиёзли кредит ажратилган бўлса, унинг 80 миллиард сўмдан зиёдроғи «Қишлоқхўжаликкимё» акциядорлик жамиятининг жойлардаги филиалларига, 49 миллиард 527,5 миллион сўмдан кўпроғи «Ўзнефтмаҳсулот» корхоналари учун берилди. Муҳими, ушбу маблағлар вақтида етиб борганлиги ва мақсадли ишлатилгани туфайли ширкат ва фермер хўжаликлари ҳамда уларга хизмат кўрсатувчи тузилмаларни минерал ўғитлар, ёнилғи-мойлаш материаллари билан таъминлашда узилишлар бўлмади.

Банк томонидан юртимиз ғалла ва пахтазорларида меҳнат қилаётган деҳқонларнинг иш ҳақлари йил давомида узилишларсиз ўз вақтида бериб борилди. Айни чоғда машина-трактор паркларига ҳам жами 27 миллиард 393 миллион сўм имтиёзли кредит берилди. Бу ўтган йилдагига нисбатан 6 миллиард 193 миллион сўм кўпдир.

Шу билан бирга, «Пахтабанк» томонидан ғўза зараркунандаларига қарши биологик усулда курашувчи биолабораториялар ва биофабрикаларга эса қарийб 2 миллиард сўм, яъни аввалги йилдагига нисбатан ярим миллиард сўм кўп имтиёзли кредит ажратилди.

Маълумки, ғўза яганасини ҳисобга олмаганда, агротехника тадбирларининг бирортасини қўл кучи билан бажариб бўлмайди. Бинобарин, ширкат ва фермер хўжаликлари давлат эҳтиёжлари учун пахта хомашёси етиштириш шартномаларини сўзсиз бажаришлари учун ҳамма турдаги етарли техника воситаларига эга бўлишлари талаб этилади. «Пахтабанк» бу муҳим масалани ҳам муваффақиятли ҳал этиш учун амалий ёрдам бериб келмоқда. Жумладан, жорий йил 1 август ҳолатига кўра, 1295 та ширкат ва фермер хўжалигига 29 миллиард 142 миллион 510 минг сўм кредит берилиб, унга 978 та техника воситаси харид қилингани шундан далолат беради.

Эътиборлиси, кредит маблағларининг ҳам, сотиб олинган техникаларнинг ҳам асосий қисми фермер хўжаликлари улушига тўғри келмоқда. Масалан, уларга берилган 13,3 миллиард сўм кредитга 676 та техника, шу жумладан, 37 та «Клаас» русумли комбайн, 46 та «ВТ-150», 70 та «Т-4А», 17 та «ТТЗ-100», 86 та «ТТЗ-80» тракторлари, 44 та культиватор харид қилинди.

Эҳтиёт қисмлар заҳирасини яратиш масаласи ҳам оқилона ҳал этилгани муҳим аҳамият касб этди. Чунончи, 9,8 миллиард сўмлик эҳтиёт қисмларнинг 6 миллиард 697 миллион сўмликдан кўпроғи «Агромашсервис» таркибидаги МТП ва 1 миллиард 273,6 миллион сўмликдан зиёдроғи мукобил МТПларга йўналтирилди. Фермер хўжаликлари эса 1,5 миллиард сўмлик эҳтиёт қисмлар заҳирасига эга бўлдилар.

Шуниси диққатга сазоворки, «Пахтабанк» қишлоқ хўжалик корхоналари учун фақат кредитлар ажратиш билан чекланиб қолмай, уларнинг белгиланган мақсадларга сарфланиши устидан қатъий назорат олиб бораяпти. Бу эса, ўз навбатида, ширкат ва фермер хўжаликларининг ўз фаолиятларини изчил йўлга қўйиб олишлари, давлат эҳтиёжлари учун пахта ва ғалла етиштириш контрактация шартномаларини муваффақиятли бажаришлари учун кенг имкониятлар яратмоқда.

«Пахтабанк» қишлоқ хўжалик корхоналарининг энг ишончли молиявий таянчи эканлиги, айниқса, пахта йиғим-терим мавсумида яққол намоён бўлмоқда. Республика Президентининг шу йил 14 августдаги «2006 йилги пахта ҳосилини ўз вақтида ва сифатли йиғиб-териб олишни таъминлашга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорида терим иштирокчиларининг иш ҳақларини ўз муддатида, нақд пул билан тўлаб бориш вазифаси қўйилганидан хабардормиз. Унинг ижросини таъминлаш эса, ҳар доимгидек, асосан «Пахтабанк» зиммасига юклатилган. Шу муносабат билан айни кунларда банк ходимларининг асосий эътибори пахта йиғим-терими мавсумининг қисқа муддатда муваффақиятли якунланишига молиявий жиҳатдан самарали ҳисса қўшишга қаратилаётир.

Шу ўринда яна бир гап. Илгари теримчиларга иш ҳақи тўлаш учун ажратиладиган пул маблағлари қишлоқ хўжалик корхоналарининг ҳисоб рақамларига махсус транш орқали йўналтириларди. Кейинги йилларда эса, банк нақд пулларни бевосита хўжаликларнинг ўзларига етказиб бермоқда. Бу бежиз эмас. Чунки айрим фермер хўжаликлари кундалик терилган пахтанинг ҳақини шу куннинг ўзида, тўлаб боришни йўлга қўйдилар. Натижада теримда иштирок этаётганларнинг қизиқиши кучайиб, кунлик унумга барака кира бошлади.

Теримга ҳақ тўлашнинг бундай тезкор усули банк ходимлари зиммасига қўшимча масъулият юклаши табиий ҳолдир. Шу боис банк ходимлари вазиятни тўғри англаб етиб, нақд пул маблағларини ўз вақтида ва узлуксиз етказиб бериш учун мавжуд барча имкониятларни тўла ишга солмоқдалар. Бу иш эса пахта ишлаб чиқилган тадбирлар дастури асосида олиб борилмоқда. Хусусан, бугунги кунда банкнинг 257 нафар раҳбар ходими туманларга, 367 нафар ходими ширкат хўжаликларига, 1957 нафар ходими эса бевосита фермер хўжаликларига бириктириб қўйилган. Улар терилган пахта ҳосили учун ўз вақтида, нақд пул етказиб берилишини таъминлаш билан бирга, бу маблағларнинг тўғри тасарруф этилиши, фақат белгиланган мақсадларга ишлатилиши, энг муҳими эса, теримчиларнинг қўлига вақтида ва тўлиқ етиб боришини ҳам назорат қилмоқдалар.

«Пахтабанк» нақд пулларни ўз айланмасига қайтариш мақсадида, одатдагидек, бевосита жойларда аҳолига бир неча турдаги омонат турларини тавсия этди. Йиллик 24 фоизгача даромад тўланадиган, сақлаш муддати уч ой ва олти ой бўлган «Ҳосил-2006», «Олтин куз», «Мураббий» омонат жамғармалари — шулар жумласидандир. Айни кунларда банкнинг барча ҳудудий филиаллари, 640 дан зиёд мини-банклари жойларнинг ўзида аҳоли омонатларини қабул қилиб олмоқда.

«Пахтабанк» жамоасининг мақсади битта: у ҳам бўлса, йиғим-теримни нақд пул билан таъминлаш учун ажратилаётган маблағлардан мақсадли фойдаланиб, терим иштирокчилари моддий рағбатлантириб бориш, катта меҳнат эвазига етиштирилган мўл ҳосилнинг қисқа муддатларда саранжомлаб олиниши, республикамизнинг жами пахта хирмони эса 3 миллион 600 минг тоннадан ошишини таъминлашдир.

Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ.

Тегишли давлат патентлари ва гувоҳномаларига эга **«AVTOTRAK»®** илмий-ишлаб чиқариш маркази қуйидаги хизматларни таклиф этади:

1. ЗИЛ-130, 555.., ГАЗ-52, 53.., САЗ... автомобилларига **ДИЗЕЛЛАР ЎРНАТАДИ** ва назорат (ГАИ) идораларига керакли ҳужжатлар тақдим этади.
2. МТП, АТП, АРЗ... мутахассисларини ҳамкорликка таклиф этамиз; **автомобилларга дизеллар ўрнатишни ўз жойларида ташкил этишга кўмаклашамиз**, тегишли технологиялар, асбоб-ускуналар билан таъминлаймиз.
3. Д-243 (МТЗ), Д-144 (Т-28), А-01 («Алтай»), «Камминз», «Авиа» дизелларини **капитал ремонт қиламиз.**

Манзилимиз: Тошкент ш., Корасув-6, Аэродромная к., 5-уй (Мўлжал: ТЭА, обл. ГАИ). 21, 49-автобусларнинг «Обл. ГАИ» бекати. Телефонлар: 159-48-00, кечкурун 112-90-43.

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ **ЯГОНА РАСМИЙ ДИЛЕР**

Тошкент шаҳридаги омборхонадан тақдим этади

«СКАД» РУСУМЛИ ҚУЙМА АЛЮМИН ДИСКЛАРИ

(Красноярск)

Манзил: Ўзбекистон, Тошкент, Фарғона йўли кўчаси, 13/22.
Тел.: (998 71) 191-47-41, 191-80-94.
Факс (998 71) 191-74-63

Тўлов пул ўтказиш ёки нақд пул билан

Маҳсулот сертификатланган

Миллий ҳамда чет эл валютасидаги барча банк хизматлари Сизнинг муваффақиятингиз учун!

«ПАХТАБАНК» ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!

Газетанинг 2006 йил 22 сентябрь сони 4-саҳифасидаги Самарқанд вилояти ҳокимлиги инжиниринг компанияси томонидан 2007 йилда қурилиши ва қайта таъмирланиши режалаштирилган касб-ҳунар коллежларига танлов савдоларида қатнашиш учун талабгор ташкилотларнинг малакасини олдиндан аниқлаш бўйича танлов эълони матнидаги 2-устун 4-хатбошидаги «Умумтаълим мактаблари бўйича» деб ёзилган жумла «Касб-ҳунар коллежлари бўйича» деб ўқилсин.

Ушбу жойда **Сизнинг** рекламангиз бўлиши мумкин эди!

«Халқ сўзи»даги **Реклама** — *бизнесингизни қўллаб-қувватлайди!*

Сизни қуйидаги манзилда кутамиз: Тошкент ш., Матбуотчилар к., 32-уй, 242-хона. Тел.: 136-09-25, 132-10-63. E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

JAPAN
Official Development Assistance

Let's study in Japan! Келинглар, Японияда ўқийлик!

JAPANESE GRANT AID FOR HUMAN RESOURCE DEVELOPMENT SCHOLARSHIP (JDS) PROGRAM (2007-2008)

Japanese Grant Aid for Human Resource Development Scholarship (JDS) was established by the Government of Uzbekistan with the assistance of the Government of Japan for the Japanese fiscal year of 1999-2000.

The objective of the JDS Project is to provide Uzbekistan nationals with opportunities for obtaining Master's degree at Japanese universities in order to support human resource development policy of the Government of Uzbekistan, and eventually to extend and strengthen the bilateral relationship between Uzbekistan and Japan.

The JDS Program targets young government officers for public sector, researchers, business people and others who intend to play leadership role in the socio-economic development of Uzbekistan after obtaining Master's degree within the designated period of study.

Under this Program, 20 fellows will be selected to study at Japanese universities for Master levels for the year 2007-2008.

1. DEGREE TO BE OBTAINED, FIELDS OF STUDY

(1) **Degree:** Master's degree (2-2.5 year courses)
(2) **Fields of Study and Accepting Universities:**
- Law : Nagoya University
- Public Administration : Kyushu University
- Economics : International University of Japan
- Business Administration : Waseda University
- Agriculture : Tokyo University of Agriculture and Technology
- Information and Communication Technology : Ritsumeikan University
- Education Administration : Hiroshima University
- Engineering : Toyohashi University of Technology

(3) **Language of Instruction:** English

2. QUALIFICATION REQUIREMENTS

(1) **Nationality:** Citizen of Uzbekistan
(2) **Age:** Between 22 and 34 years old (including) as of April 1st, 2007.
For the field of study "Engineering" and "Agriculture", between 22 and 39 years old (including) as of April 1st, 2007.
(3) **Work Experience (recorded in Workbook):**
For more than 2 years (as of September 19, 2006) after getting a Bachelor's degree. For the study field "Business Administration", for more than 3 years (as of September 19th, 2006) after getting a Bachelor's degree.
(4) **Academic Background**: Holder of a Bachelor's degree. And for the following universities, there are specific requirements:
(a) NagoyaUniversity in field of study "Law" : it is preferable to have basic knowledge of Laws and to hold a Bachelor's degree in Law.
(b) Kyushu University in field of study "Public Administration" : it is preferable to hold a Bachelor's degree in political sciences or equivalent of social sciences.
(c) Ritsumeikan University in field of study "Information and Communication Technology", it is preferable to have basic knowledge of ICT and to hold a Bachelor's degree in related field.
(5) **English proficiency level:** Minimum requirement must be either of following :
- IELTS score 6.0
- TOEFL PBT (Paper-based) score 530
- TOEFL CBT (Computer-based) score 197
- TOEFL iBT (Internet-based) score 71

* Applicant who submits a photocopy of the valid official certificate of the score higher than either of above minimum score, obtained after November 24th, 2005 will be exempted from English language examination during the selection stages.

(6) **Ineligibility:**
- Those who have already studied or are scheduled to study in a foreign country in order to obtain a degree of Bachelor or Master under any kind of scholarship program shall be ineligible for application.
- Military personnel registered on the active list or persons on alternative military service shall be ineligible for application.

(7) **Others:**
- Applicant must be in good mental and physical health.
- JDS fellow will be required to attend preparatory Japanese language training in Tashkent for about 2 months from April 2007 on full time basis prior to departure for Japan.
- The Government of Uzbekistan will ask the JDS fellow to sign and submit the "Statement of Obligations" (Contract) to follow the conditions deemed necessary as a scholarship fellow under the JDS project. If a fellow violates any article of his/her "Statement of Obligations" (Contract), the scholarship may be cancelled and other necessary steps will be taken. This "Statement of Obligations" (Contract) includes the article such as "Returned JDS fellow must remain in Uzbekistan and work at least for 2 years in the country."

3. APPLICATION PROCEDURES

➢ Applicant should submit the JDS Application Documents to JICE JDS Project Office.

➢ Application Form will be available at the places mentioned below.It will be available in Tashkent from September 19th, in other cities or provinces later on. Application Form can be downloaded from website **http://www.jds.uz.**

1. JICE JDS Project Office in Uzbekistan
   - Mon. to Fri., 9:00 to 13:00 and 14:30 to 17:30
   - 12A, U.Nasir St., Tashkent
2. Embassy of Japan in Uzbekistan
   - Mon. to Fri., 9:00 to 13:00 and 14:30 to 18:00
   - 1-28, SadykAzimov St., Tashkent
3. JICA Uzbekistan Office
   - Mon. to Fri., 9:30 to 13:00 and 14:30 to 18:00
   - 5th floor, International Business Center, 107-B, Amir Temur St., Tashkent
4. Uzbekistan-Japan Center for Human Development
   - Mon. to Thurs., 10:00 to 13:00 and 14:30 to 17:30, Fri., 10:00 to 13:00 and 14:30 to 20:00
   - 6th floor, International Business Center, 107-B, Amir Temur St., Tashkent
5. Ministry of Higher and Secondary Specialized Education
   - Mon. to Fri., 15:00 to 17:00
   - 54-55, Babur St., Tashkent
6. Major academic institutions in Tashkent
7. Chamber of Commerce and Industry – 14, Mavaraunnakhr Street, Tashkent
8. Karakalpakstan Regional Office of the Chamber of Commerce and Industry – 112A A. Temur St., Nukus
9. Andijan Regional Office of the Chamber of Commerce and Industry – 122 A. Navoii Shokh St., Andijan
10. Bukhara Regional Office of the Chamber of Commerce and Industry – 1A MustakillikSt., Bukhara
11. Djizzakh Regional Office of the Chamber of Commerce and Industry – 63 Sh.Rashidov Shokh St., Djizzakh
12. Kashkadarya Regional Office of the Chamber of Commerce and Industry – 3 MustakillikSt., Karshi
13. Navoi Regional Office of the Chamber of Commerce and Industry – 33 Meymorlar St., Navoi
14. Namangan Regional Office of the Chamber of Commerce and Industry – 7 U. Nosir St., Namangan
15. Samarkand Regional Office of the Chamber of Commerce and Industry – 148 M. UlugbekSt., Samamrkand
16. Surkhandarya Regional Office of the Chamber of Commerce and Industry – 1 F. Khodjaev St., Termez
17. Sirdarya Regional Office of the Chamber of Commerce and Industry – 35 MustakillikSt., Gulistan
18. Tashkent Region Office of the Chamber of Commerce and Industry – 68 Lisunova - 4, Tashkent
19. Fergana Regional Office of the Chamber of Commerce and Industry – 58 M. Kosimov St., Fergana
20. Khorezm Regional Office of the Chamber of Commerce and Industry – 30 Al Khorazmiy St., Urgench
21. Ministry for Foreign Economic Relations, Investments and Trade (MFER) of the Republic of Karakalpakstan – 96 A, DustlikGuzari St., (Government House), Nukus
22. MFER of Andijan region - 126, A.Navoi St., Andijan
23. MFER of Bukhara region -1, Muminov St., Bukhara
24. MFER of Djizakh region – 63, S.Rashidov St., Djizak
25. MFER of Kashkadarya region – 2, MustakillikSt., Karshi
26. MFER of Namangan region – 3, B.MashrabaSt., Namangan
27. MFER of Navoi region – 77, Khalklar Dustligi St., Navoi
28. MFER of Samarkand region – 1, KukSároi Sq., (Regional Khakimiyat building) Samarkand
29. MFER of Surkhandarya region – 1st floor, Khodjaev st., 7a, Termez
30. MFER of Sirdarya region – 1, Alleya Geroyev St., Gulistan
31. MFER of Fergana region – 53, Al Fargoniy St., Fergana
32. MFER of Khorezm region - 1, Gafur Gulyam St., Urgench
33. Business Communications Center (BCC) in Tashcknt – 4th floor, 16A, Shahrisabz St.
34. BCC Khiva– 1, Jamoat Markazi St.
35. BCC Fergana– 57, Tolstoy St.

4. APPLICATION DEADLINE: November 24th , 2006, 17:00

Applications missing above deadline shall not be accepted.
Applications must be submitted by hand, courier or post ONLY to JICE JDS Project Office in Tashkent.
1) Hand delivery, courier : 12A, U.Nasir St., Tashkent (Mon. to Fri., 9:00 to 13:00 and 14:30 to 17:30).
2) Post : P.O. Box 345 (2, Amir Temur St., Tashkent, 700000, Uzbekistan (Central Post Office))

5. SELECTION PROCEDURES

1) **First Selection (Documents screening):**
- Submitted application forms will be examined and screened by professors of Japanese university.

2) **Second Selection:**
- English language examination IELTS will be implemented in Tashkent in January, 2007.
- Applicant will be required to take a basic mathematics examination as well in January, 2007.

3) **Third Selection (Technical interview):**
- Interview examination by professors of Japanese university will be implemented in Tashkent in February, 2007.
- Applicant must undergo the medical check-up at a designated hospital during this step.

4) **Final Selection (Comprehensive interview):**
- Comprehensive interview will be implemented in Tashkent in March, 2007.

6. INQUIRY

JICE JDS Office in Uzbekistan
Address: 12A, U.Nasir St., Tashkent
Telephone: (371)139-15-60/67 (Monday to Friday 9:30 to 12:30, 15:00 to17:00)
E-mail : jice@jds.uz
Website : http://www.jds.uz

ҚОН БИЛАН КИРГАН ХИСЛАТ

Азалий қадриятлар

Мамлакатимизда ёз ойларида "Халқаро донорлик ойлиги" якунланди. Мазкур ойлик давомида бир қатор амалий ишлар қилинди. Инсон ҳаётини сақлаб қолишда қоннинг қанчалар муҳимлиги, кўнгилли равишда қон топшириш ҳамияти борасида тарғибот ишлари олиб борилди. Натижалар шуни кўрсатмоқдаки, беминнат қон донорлари ушбу ойлик давомида 22500 нафарга етди. Олинган қон захираси 8246,5 литрни ташкил этиб, бунинг оқибатида 11080 беморнинг ҳаёти сақлаб қолинди.

Лекин бугун республикамиз қон захирасини тўлдириш учун бу натижалар камлик қилади. "Қон инсонлар хизматида" нодавлат жамоат фонди маълумотларига кўра, ҳозирги кунда юртимиздаги донорларнинг асосий қисмини 45 ёшдан катталар ташкил қилади. Демак, беғараз донорликка соғлом ёшларимиз жалб қилинмаса, келажакда қон захираси анча камайиб кетиши мумкин. Фурсатдан фойдаланиб, "Қон инсонлар хизматида" нодавлат жамоат фонди ижрочи директори Шуҳрат Очилов бу борадаги айрим мулоҳазаларини бизга баён этди.

— Аслида донорлик халқимиз феъл-атворига хос хислат дейиш мумкин. Инсонпарварлик, қўлдан келганича яхшилик қилиш каби фазилатлар юртдошларимизга қон билан кирган. Бироқ афсуски, шундай савобталаб инсонлар яшовчи юртда бугунги қон захираси атиги 3 фоизни ташкил қилади (аслида бу кўрсаткич 15 фоиздан кам бўлмаслиги керак). Бу кўрсаткични яхшилаш учун, албатта, одамлар ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш, ҳар бир фуқарога донорликнинг аҳамияти, унинг соғлиқ учун зарар эмас, балки фойда келтиришини етказиш талаб этилади.

Аниқланишича, яқинда финляндиялик мутахассислар ўн минг нафар донор ва ўн минг нафар қон топширмайдиган одамни текширувдан ўтказган. Натижаларга кўра қон топширмайдиган ўн минг кишининг 80 фоизида юрак инфаркти касаллигининг аломатлари топилган. Мунтазам равишда қон топширувчи донорлар орасида эса атиги бир киши ушбу касаллик билан оғриган экан. У ҳам бўлса, касби тақозоси туфайли бу хасталикка чалинган бўлиб чиққан. Бу шуни кўрсатадики, қон топшириш хавфли эмас, аксинча у гипертония, ревматоидли артрит, инфаркт касалликларининг олдини олишга ёрдам беради.

Шахсан ўзим талабалик пайтларимдан буён мунтазам равишда йилига уч марта қон топширишни канда қилмайман. Бунинг сабаби бор. Ўшанда биз ўқийдиган даргоҳга Қизил ярим ой жамиятидан мутахассислар ташриф буюриб, донорлик тўғрисида маълумот беришганди. Бир маҳал ўқув юрти ҳовлисида турсам, жуссаси кичиккина бир қиз шошилиб, ёнимдан ўтиб кетди. Бир оздан сўнг қайтиб чиққач билдимки, у қон топшириб чиқибди. Ўғил бола эмасманми, синчалакдек бир қиз донорлик қилсаю, шундай гавдам билан мен нима қилиб турибман, деган ор билан қон топширишга ахд қилдим. Шу-шу ҳеч қандай иккиланишларсиз ва энг муҳими, кимнингдир ҳаётини сақлаб қолишга ўз ҳиссамни қўшиш мақсадида донорлик қиламан.

Айтиш керакки, бугун мамлакатимизда 61 тонна тайёр қон захираси мавжуд. Бу эса ҳали амалга оширажак ишларимиз кўплигини англатади. Ўлим билан олишиб ётган кўплаб беморларнинг оёққа туриши ва инсонлар ўлимининг камайишига бугун ҳар бир соғлом одам ўз ҳиссасини қўшиши мумкин. Бунинг учун даставвал қон қуйиш хизматига мурожаат этиб, тиббий кўрикдан ўтиш лозим.



Инсон организмида 4,55 литр қон бўлиб, қонунга мувофиқ ундан 200-400 мл. олинади. Шуни таъкидлаш керакки, организм топширилган қон миқдорини 36 соат ичида тиклаб олади. Донорлик қилиш ҳомиладорликда, қон босими паст бўлган ҳолларда, қандли диабет ёки руҳий касаллик билан рўйхатда турганларга тавсия қилинмайди. Шунингдек, қачондир гиёҳванд моддалар истеъмол қилганлар ҳам донорликка яроқсиз ҳисобланади.

— Бир куни туғуруқхонага иш билан боргандим, — деб сўзида давом этди Ш. Очилов. — Тагида машинаси бор, зиёли бир йигитнинг шифокор билан суҳбати қулоғимга чалинди. Шифокор йигитга рафиқасининг туғруқ жараёнида кўп қон йўқотгани, текширувдан ўтиб, қон гуруҳи тўғри келса, зудлик билан қон бериши лозимлигини айтди. Йигит эса дарҳол ўзининг "қонуний ҳуқуқларини талаб қилган" ҳолда шифокорнинг бемор учун қон тополмаса, нима қилиб оқ халат кийиб юрганини айтиб, дўқ ура кетди. Ота бўлиш арафасида турган, бегона учун эмас, ўз жуфти ҳалоли ва қолаверса, фарзандининг ҳаёти учун қон бериши нақадар муҳимлигини англамаган кап-катта йигитнинг гапларидан очиғи, жуда хафа бўлдим. Биз имкон қадар ёш авлодни шундай қарашлардан йироқ бўлишига ҳаракат қилишимиз керак. Бу борада Германия ва Австриядаги ота-оналарни ўрнак сифатида мисол келтиришни истардим. Улар йилига уч маротаба қон топширишади ва албатта, ўзлари билан фарзандларини ҳам қон топшириш марказига олиб боришади. Бундан мақсад болада ёшликдан донорликнинг инсонпарварлик ҳаракати эканини тушунтиришдир.

Бир сўз билан айтганда, истасак-истамасак, ҳаётимизга хавф солувчи омиллар — фавқулодда автоҳалокат ёхуд кутилмаган оғир тан жароҳати олиш каби ҳолатлар, қолаверса, оғир даражали камқонлик, оққон, саратон касаллиги, шунингдек, туғруқхоналарда юз бериши мумкин бўлган фожеали ҳолатларга қачондир дуч келишимиз эҳтимоли бор. Шу боис ҳам унинг олдини олиш учун мамлакатимиз қон захирасини бойитишга ҳар биримиз ўз ҳиссамизни қўшсак, айни муддао.

"Халқ сўзи" мухбири Муборак ОХУНОВА ёзиб олди.

Ҳисор тоғ тизмалари этагида жойлашган Китоб давлат геология қўриқхонаси умуминсоний аҳамиятга молик табиат ёдгорлигидир. Ундаги Зинзилбон кесмаси дунё миқёсидаги ноёб намуна ҳисобланади.

Табиатнинг ноёб ёдгорлиги

Шунинг учун ҳам дунёдаги йирик тадқиқот муассасаларининг олимлари бу ерга ташриф буюриб, бундан миллион йиллар илгари ерда ҳаёт қандай бўлганлигидан далолат берувчи табиий экспонатларни ўз кўзлари билан кўрадилар, илмий изланишлар олиб борадилар. Малайзиядан келган олимлар қўриқхона ҳудудини, бу ерда ташкил этилган палеонтология музейидаги экспонатларни кўриб, ҳайратдан лол қолишди.

— Биз қўриқхонада бўлганимизда ўзимизни бундан миллион йил олдинги денгиз тубига тушгандек ҳис қилдик, — дейди Малайзия Табиий ресурслар ва атроф-муҳитни ҳимоя қилиш вазирлигининг бош котиби сабоҳ Маҳд Ясин. — Кетма-кет жойлашган тоғ жинслари орасида қадимий денгиз ҳайвонларининг қотиб қолган жасадини аниқ кўрдик. Ердаги табиий жараёнлар натижасида бир вақтлар денгиз ости бўлган бу жойда тоғ пайдо бўлган. Энг эътиборлиси шундаки, сувда яшовчи жониворлар тошга айланган, денгиз муҳити сақланиб қолган. Бунақасини ҳеч қаерда кўрмаганман.

Дарҳақиқат, Китоб давлат геология қўриқхонаси мамлакатимизнинг ноёб табиий дурдонаси бўлиб, ундан илмий-тадқиқот ишлари билан бир қаторда халқаро ва миллий миқёсдаги экотуризмни ривожлантириш мақсадида ҳам кенг фойдаланиш мумкин.

Б.НОРҚОБИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Барча турдаги қурилиш ташкилотлари диққатига!

Бухоро вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси

2007 йилда қуриладиган қуйидаги иншоотларга талабгорнинг малакасини олдиндан аниқлаш учун танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади:

Т/р	Иншоот номи	Қуввати
	ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ОБЪЕКТЛАРИ	
	Қайта қуриш	
1.	Бухоро шаҳридаги санъат коллежи	360/50
	Янги қурилиш	
1.	Когон шаҳридаги педагогика касб-ҳунар коллежи	540/-
2.	Ғиждувон шаҳридаги қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи	720/50
3.	Олот тумани, «Чорбоғ» ҚФЙдаги иқтисод касб-ҳунар коллежи	540/50
4.	Ғиждувон тумани, «Улфатбиби» ҚФЙдаги иқтисод касб-ҳунар коллежи	720/50
5.	Жондор тумани, «Чоргули» ҚФЙдаги қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи	540/-
6.	Қоракўл тумани, «Сайёт» ҚФЙдаги иқтисод касб-ҳунар коллежи	540/-
7.	Шофиркон тумани, Ш.Ҳамроев ҚФЙдаги саноат ва миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежи	540/50
8.	Вобкент тумани, «Кумушкент» ҚФЙдаги педагогик касб-ҳунар коллежи	720/-
9.	Пешку тумани, «Пешку» ҚФЙдаги тиббиёт коллежи (ётоқхона)	-/50
10.	Ғиждувон тумани марказидаги тиббиёт коллежи (ётоқхона)	-/200
11.	Қоракўл тумани марказидаги тиббиёт коллежи (ётоқхона)	-/100
	ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ОБЪЕКТЛАРИ	
	Янги қурилиш	
1.	Бухоро туманидаги 49-сонли мактаб	424
2.	Қоракўл тумани марказидаги иқтидорли болалар мактаб-интернати	422
3.	Шофиркон тумани, «Шофиркон» ш/ҳдаги 12-сонли мактаб	630
	Мукаммал қайта қуриш	
1.	Олот туманидаги 18-сонли мактаб спорт зали билан (12х24 м)	340
2.	Олот туманидаги 11-сонли мактаб спорт зали билан (12х24 м)	280
3.	Бухоро шаҳридаги 10-сонли мактаб	960
4.	Бухоро туманидаги 8-сонли мактаб спорт зали билан (12х24 м)	390
5.	Бухоро туманидаги 42-сонли мактаб спорт зали билан (12х24 м)	290
6.	Вобкент тумани марказидаги 2-сонли мактаб спорт зали билан (12х24 м)	530
7.	Вобкент тумани, Ал-Бухорий ш/ҳдаги 16-сонли мактаб спорт зали билан (12х24 м)	534
8.	Ғиждувон туманидаги 5-сонли мактаб	315
9.	Ғиждувон туманидаги 63-сонли мактаб спорт зали билан (12х24 м)	300
10.	Ғиждувон туманидаги 6-сонли мактаб спорт зали билан (12х24 м)	654
11.	Жондор туманидаги 9-сонли мактаб спорт зали билан (12х24 м)	420
12.	Жондор туманидаги 45-сонли мактаб спорт зали билан (12х24 м)	479
13.	Когон туманидаги 4-сонли мактаб спорт зали билан (12х24 м)	739
14.	Когон туманидаги 14-сонли мактаб спорт зали билан (12х24 м)	340
15.	Қоракўл тумани, «Кулончи» ҚФЙдаги 7-сонли мактаб спорт зали билан (12х24 м)	390
16.	Қоракўл тумани, «Янгибозор» ш/ҳдаги 11-сонли мактаб спорт зали билан (12х24 м)	579
17.	Қоракўл тумани, «Куввача» ҚФЙдаги 12-сонли мактаб спорт зали билан (12х24 м)	834
18.	Қоракўл туманидаги 38-сонли мактаб спорт зали билан (12х24 м)	525
19.	Қоровулбозор тумани, «Янги ҳаёт» ш/ҳдаги 6-сонли мактаб спорт зали билан (9х18 м)	305
20.	Пешку туманидаги 6-сонли мактаб спорт зали билан (12х24 м)	375
21.	Пешку туманидаги 42-сонли мактаб спорт зали билан (12х24 м)	320
22.	Ромитан тумани марказидаги 3-сонли мактаб спорт зали билан (12х24 м)	405
23.	Ромитан туманидаги 45-сонли мактаб спорт зали билан (12х24 м)	280
24.	Шофиркон туманидаги 11-сонли мактаб	760
25.	Шофиркон туманидаги 4-сонли мактаб спорт зали билан (12х24 м)	210
26.	Шофиркон туманидаги 24-сонли мактаб спорт зали билан (12х24 м)	420
	Капитал таъмирлаш	
1.	Бухоро шаҳридаги 18-сонли мактаб	960
2.	Бухоро шаҳридаги 30-сонли мактаб	1176
3.	Когон шаҳридаги 1-сонли мактаб	600
4.	Когон шаҳридаги 7-сонли мактаб	840
5.	Олот туманидаги 7-сонли мактаб	1176
6.	Олот туманидаги 3-сонли мактаб	1176
7.	Бухоро туманидаги 1-сонли мактаб	1176
8.	Бухоро тумани, «Чорбакр» ш/ҳдаги 22-сонли мактаб спорт зали билан (12х24 м)	416
9.	Бухоро тумани, «Бухоро» ш/ҳдаги 52-сонли мактаб спорт зали билан (12х24 м)	320
10.	Бухоро туманидаги 15-сонли мактаб	417
11.	Вобкент тумани, «Нурафшон» ш/ҳдаги 15-сонли мактаб	504
12.	Вобкент туманидаги 12-сонли мактаб спорт зали билан (12х24 м)	1082
13.	Вобкент туманидаги 33-сонли мактаб	624
14.	Ғиждувон туманидаги 1-сонли мактаб	1300
15.	Ғиждувон туманидаги 15-сонли мактаб	658
16.	Ғиждувон туманидаги 2-сонли мактаб-интернат	500
17.	Жондор туманидаги 47-сонли мактаб	422
18.	Жондор тумани, «Зарафшон» ш/ҳдаги 21-сонли мактаб	624
19.	Жондор тумани, «Варахшо» ш/ҳдаги 44-сонли мактаб	624
20.	Когон туманидаги 17-сонли мактаб	824
21.	Когон тумани, «Когон» ш/ҳдаги 15-сонли мактаб	624
22.	Қоракўл тумани, Ё.Сафаров ш/ҳдаги 19-сонли мактаб	1176
23.	Қоракўл туманидаги 2-сонли мактаб	1100
24.	Пешку туманидаги 2-сонли мактаб	844
25.	Пешку тумани, Навоий ш/ҳдаги 10-сонли мактаб	960
26.	Ромитан туманидаги 15-сонли мактаб	1176
27.	Ромитан туманидаги 21-сонли мактаб	1176
28.	Ромитан туманидаги 26-сонли мактаб-интернат	624
29.	Шофиркон тумани, «Шофиркон» ш/ҳдаги 1-сонли мактаб	1176
30.	Шофиркон туманидаги 9-сонли мактаб	1320

Қурилиш ишлари давлат инвестиция маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаш тажрибаси ва кўникмаларга эга бўлишлари ҳамда шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга, ўзаро ишончга, шунингдек, етарли ишчи кучи заҳираларига эга бўлишлари лозим.

Ўз кучи билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар, танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (фоизларда), 2004-2006 йилларда йил давомида ўз кучи билан 500 млн. сўмдан кам бўлмаган пудрат ишларини бажарган бўлишлари (умумтаълим мактаблари танлов савдоларида қатнашаётган талабгорлар учун) ва/ёки 1000 млн. сўмдан кам бўлмаган пудрат ишларини бажарган бўлишлари (академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари танлов савдоларида қатнашаётган талабгорлар учун) лозим.

Қайта ташкил этиш (бўлиниш, бирлашиш), тугатиш ёки банкротлик босқичида бўлган, мулки хатлаб қўйилган талабгорлар танлов савдолари тартиботларида қатнашишга қўйилмайди.

Таъсис ҳужжатлари, молиявий қатнашиш, холдинг шаклида ва бошқа шаклларда ифодаланган бир-бири билан бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки молиявий боғлиқ бўлган ташкилотларнинг танлов савдоларида қатнашиши таъқиқланади.

Талабгорларга танлов савдоларида қатнашишга малака талаблари танлов ҳужжатлари таркибида кўрсатиб ўтилади.

Талабгорнинг малакасини олдиндан аниқлаш танлов савдоларида қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига мурожаат қилиш мумкин.

Манзил: Бухоро шаҳри, Навоий шоҳкўчаси, 5-уй, 18-хона. Телефон: 223-96-29. Факс: 223-97-51.

Оферталар юқоридаги манзилда соат 10.00 дан 17.00 гача қабул қилинади.

Ҳужжатлар бир тўпламининг (1- пакет комплекти) қиймати — 30 000 сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.

Тендер савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: **Бухоро шаҳри, И.Мўминов кўчаси, 1-уй**, вилоят ҳокимиятининг кичик залида, соат 10.00 да.

Спорт



Тверда кураш байрами

Жорий йилнинг 30 сентябрь — 1 октябрь кунлари Россия Федерациясининг Тверь шаҳри кураш бўйича 1991-1993 йилда туғилган ёшлар ўртасида уюштириладиган навбатдаги жаҳон чемпионатига мезбонлик қилади. Кураш халқаро ассоциацияси матбуот хизматидан олинган хабарда айтилишича, чемпионатда дунёнинг 50 дан ортиқ мамлакати ёш полвонлари ғолиблик учун гиламга чиқиши кутилаётир.

Ўзбекистонлик курашчилар ҳам жаҳон чемпионатига қизғин ҳозирлик кўришмоқда. Мусобақада Аслиддин Ғаффоров, Фаёзжон Акрамов, Фарруҳжон Хидиров, Рифат Раҳматуллаев, Сухроб Остонаев, Зафар Тоиров, Азизжон Тошпўлатов, Санжар Рўзиқулов, Алишер Файзиев, Зарифжон Йўлдошев, Сардорбек Соатов, Нуриддин Шеров, Камолжон Ибрагимов, Рустам Элов каби ёш полвонларимиз юртимиз шарафини ҳимоя қилади.

Мураббийлар малака оширадилар

Кеча Миллий Олимпия қўмитасида бокс бўйича мураббий ва мутахассислар учун ташкиллаштирилган ўқув семинарининг очилиш маросими бўлди.

1993 йилда Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси ва Халқаро Олимпия қўмитаси ўртасида жисмоний тарбия ва спортни тарғиб қилиш, мураббийлар малакасини ошириш мақсадида ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилган эди. Ўтган давр мобайнида теннис, қиличбозлик, баскетбол, дзюдо, енгил атлетика, сузиш, волейбол ва бошқа Олимпия ўйинлари дастуридан жой олган спорт турлари бўйича йигирмадан ортиқ ўқув -семинарлари ташкил этилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, кейинги пайтларда

Семинар

боксчиларни машғулотларга жалб этиш жараёнига илмий жиҳатдан ёндашиш, мусобақалар жараёнини мунтазам таҳлил қилиб бориш натижасида ҳамюртларимизнинг нуфузли чемпионатларда қўлга киритаётган натижалари салмоқли бўлаётир. Жумладан, 2000 йилда Сиднейда ўтказилган Олимпиада ўйинларида Муҳаммадқодир Абдуллаев олтин, Сергей Михайлов ва Рустам Саидов бронза медалларига сазовор бўлишганди. 2004 йилги Афина Олимпиадасида эса Ўткир Ҳайдаров ва Баҳодир Султоновлар бронза медалларини қўлга киритишди.

Мазкур ўқув семинари Халқаро Олимпия қўмитасининг Олимпия бирдамлиги махсус дастури доирасида уюштирилмоқда. Миллий Олимпия қўмитаси ва республика бокс федерацияси семинарнинг ташкилотчилари бўлишди.

2 октябргача давом этадиган ўқув семинарида Санкт-Петербург Давлат университети профессори, спорт устаси, Халқаро тоифадаги ҳакам Анатолий Ширяев машғулотлар ўтказади.

З. ЖОНИБЕКОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институти жамоаси Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирининг биринчи ўринбосари Бахтиёр Сайфуллаевич Сайфуллаевга ҳамда институтнинг «Режиссура» кафедраси доценти Адиба Мансуровна Носировага падари бузрукворлари

Сайфулла ота ОҚМУРЗАЕВнинг

вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

"Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталари таҳририяти жамоаси "Халқ сўзи" газетаси масъул котиби Юсуфжон Ҳамидовга падари бузруквори

ВОҲИД отанинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги вазирнинг биринчи ўринбосари Бахтиёр Сайфуллаевич Сайфуллаевга отаси

САЙФУЛЛА отанинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги жамоаси Давлат бюджети ғазначилик ижроси методологияси ва жорий қилиш бошқармаси бошлиғи В.Г.Кильбергга онаси

Антонина ЧИНОВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Молия институти жамоаси Жисмоний тарбия ва спорт кафедраси доценти

Ғайрат НУРМУҲАММЕДОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи
Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 1157. 21086 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва оператор Жамшед Тоғаев ва Мухамедали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Ⓒ -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Б. Эгамқулов.
Навбатчи — З. Жонибеков.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.45 Топширилди — 21.30 23456